

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ХОШИМОВА ДИЛНОЗА РИХСИБОЕВНА

**ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ҲИССИЙ-ЭКСПРЕССИВ НУТҚНИ
МНЕМОНИК БАЗА АСОСИДА ТЕЗКОР ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)**

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ЧИРЧИҚ - 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хошимова Дилноза Рихсибоевна

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база
асосида тезкор ўстириш методикаси..... 3

Хошимова Дилноза Рихсибоевна

Методика быстрого роста эмоционально-экспрессивной речи у студентов
на английском языке на основе мнемонической 2
базы..... 3

Khoshimova Dilnoza Rixsiboyevna

Methods of rapid growth of emotional expressive speech in English by 4
students based on mnemonic base..... 2

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 4
List of publications..... 6

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ХОШИМОВА ДИЛНОЗА РИХСИБОЕВНА

ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ҲИССИЙ-ЭКСПРЕССИВ НУТҚНИ
МНЕМОНИК БАЗА АСОСИДА ТЕЗКОР ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped812 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти веб-саҳифасида www.cspi.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Шаҳзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, доцент

Абдуганиева Жамила Рустамовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даража берувчи 03/30.12.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 111720, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.)

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Қ. Мардонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Д.М. Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида чет тилларини, халқаро мулоқотда етакчи восита ҳисобланган инглиз тилини ўрганиш амалиётига инновацион ёндашувлар, тил ўрганувчиларнинг эҳтиёжларига мос ривожлантирувчи, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари татбиқ этилган. Инглиз тилини ўрганишда ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш усул ва йўллари такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, талабаларда инглиз тилини ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш методикасини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида инновацион методлар асосида такомиллаштириш, интерактив дастурий воситалар мазмунини кенгайтириш, фасилитацион моделлар, рефлексив технологиялар самарадорлигини ошириш, ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида ўстиришни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга талабалар нутқини мнемоник база асосида тезкор ўстиришни такомиллаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириш, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини илмий дунёқарашини ривожлантиришга қаратилган педагогик ёндашувларни фан хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштиришга қаратилган талабалар фаоллигини оширишнинг бадий аспекти хамда чет тилларини ўқитишнинг психологик жиҳатларига алоҳида эътибор берилган.

Республикамизда таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари асосида талаб юқори бўлган хорижий тилларни ўқитишни ташкиллаштириш¹, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш, инглиз тилини ўргатишда фанлараро боғлиқликни кучайтириш, ахборот муҳитини модификациялаштириш мазмуни, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Тил ўқитиш жараёнида талабаларда социолингвистик ва самарали мулоқот компетенцияларини шакллантиришнинг методик тизими, дидактик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5117-сон қарори, 2021 йил 19 май.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш муаммолари педагог олимлар Р.Х.Джураев², Ш.А.Абдуллаева, О.Мусурмонова, Ш.Шарипов, Д.Шарипова, М.Қуроноф, Х.Маматкуловлар томонидан; Ж.Бўроноф, М.Бушуй³, Ж.Жалолов, Л.Ахмедова, К.Рискулова, Ф.Иқромхонова, Ф.Ибрагимовалар чет тилларга ўргатишнинг лингвометодик асосларини такомиллаштириш; М.Абдуллаева, У.Жуманазаров² тадқиқотларида хорижий тилларни ўрганишнинг амалий-технологик жиҳатлари тадқиқ этилган.

² Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. – Тошкент, 2010. – 87 б.; Мусурмонова О. Маънавий кадрлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 97 б.; Шарипова Д.Д. Научно-педагогические основы гигиенического воспитания школьников: (На материале школ Узбекистана): Автореф. дисс. ... д-ра пед. наук. – Ташкент, 1990. – 44 с.; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Педаг. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т.: 2012. – 46 б.; Қуроноф М. Олий таълим муассасарида маънавий – маърифий ишларни ташкиллаштириш. – Т. 2011. – 88 б.; Маматкулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентлики ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 47 б.

³ Бушуй М. Язык и действительность. – Ташкент: Фан, 2005. – 144 с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: 2012. – 427 б.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. –Т.: Фан ва технология, 2013. – 200 с.; Абдуллаева М.А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета (на материале Present Continuous, Present Perfect английского глагола): Дисс ... канд. пед. наук. – Ташкент, 2004. – 189 с.; Рискулова К.Д. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Пед. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 44 б.; Жуманазаров У.У. Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш. Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Ташкент, 2019. – 57 б.

⁴ Гайфутдинова А.Р. Проектирование и реализация педагогических условий развития творческой активности студентов в вузе: (в процессе обучения иностранному языку): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Казань, 2010. – 25 с.; Ермолаева Е.В. Становление и развитие раннего школьного обучения иностранным языкам в отечественном образовании: Дисс. ... канд. пед. наук. – Ульяновск, 2010. – 162 с.; Белоног Д.С. Формирование познавательной самостоятельности у будущих учителей иностранного языка в личностно ориентированном обучении: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Воронеж, 2009. – 24 с.; Алиев С.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональной компетенции будущих учителей иностранных языков в педвузах Республики Таджикистан (на материале английского языка): дисс. ... д-ра пед. наук. – Душанбе, 2009. – 374 с.; Ахмедова Г.У. Педагогические условия формирования общечеловеческих нравственных ценностей средствами иностранного языка: на материалах ВУЗов Республики Таджикистан: Дисс. ... канд. пед. наук. – Душанбе, 2009. – 172 с.

Инглиз тилидан нутқни тезкор ўстириш методикаси А.Р.Гайфутдинова⁴, Е.В.Ермолаева, Д.С.Белоног, С.Н.Алиев, Г.У.Ахмедова, С.В.Федорова, В.В.Сафонова, Е.Шеваршинова, Е.Бурдина, О.Ю.Пестрецова, И.Зайцевалар; талабалар фаоллигини оширишнинг бадиий аспекти Т.Гильманова, П.Бакланов тадқиқотлари; чет тилларини ўқитишнинг психологик жиҳатлари Л.С.Рубинштейн, А.М.Олейникова, В.В.Выготский, Н.А.Селезнова, Н.Ж.Дагбаева, И.А.Зимняялар⁵ томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатлардан А.Гилмор, С.Коффей, М.Голкар, Д.Гринберг, В.Родриго, А.Берри, Т.Бринк, Р.Смит, Н.МакЛелланд, Р.Марлиналар инглиз тилида нутқни тезкор ўстириш методикасини такомиллаштиришни тадқиқ этган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 01-729-рақамли “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳиссий-экспрессив нутққа оид мнемоник база асосида нутқни ўстиришни педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш кўрсаткичларининг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонларини такомиллаштириш;

талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш моделини такомиллаштириш;

талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш методини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш методикасини такомиллаштириш жараёни танланиб, унда Навоий давлат педагогика институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтларининг 717 нафар талабалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда англиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг шакл, метод воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари: тадқиқотда назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик статистика (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг педагогик имкониятлари талабаларда шахсий қизиқиш ва ҳиссий-эмоционал фаолиятни фикр ва диққатни ёрқинлаштириш асосида кенгайтирилган;

талабаларда англиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқнинг сунъий ассоциацияларини шакллантириш мезонлари хотира коэффициентини кенгайтириш ҳамда суггестопедия (ишонтириш, образларни нутққа кўчириш) методига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда англиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш модели педагогик вазиятларни нутқий муҳитга мақбул равишда илмий (тил ўргатиш тамойиллари: узвийлик, кўргазмалилик, тизимлилик), услубий(тил кўникмалари бўйича топшириқларни табақалаштириш) ва амалий (ижодий ишлар, лойиҳалар) ғояларни бирлаштириш ва иммитацион (реал ҳаётга яқинлаштирилган нутқий муҳит модели) вазиятларни яратиш асосида такомиллаштирилган;

тил ўрганиш жараёнида диалогик, монологик нутқий муҳитни мнемоник база асосида яратиш орқали талабаларда ҳиссий-экспрессив нутқни танқидий ва ижодий фикрлаш, акс эттирган қобилиятларни интенсив ривожлантиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда англиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш методикасини такомиллаштириш бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар дастури ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари амалиётига жорий қилинган;

“ҳиссий-экспрессив нутқ”, “мнемоник база”, “нутқ ўстириш методикаси” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан амалий контекст даражасида педагогик такомиллаштирилган;

талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришни баҳолаш параметрларини ўз ичига қамраб олган расмли луғат ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертация ишида фойдаланилган илмий асосланган маълумотлар, тақдим қилинган методлар, тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастур ҳамда модел педагог кадрларни тайёрлаш, таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш жараёни мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиши билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган аудиториядан ташқари машғулотлар дастуридан олий таълим муассасаларида, педагог кадрларни тайёрлаш, тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган тадқиқот натижалари:

инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг педагогик имкониятлари, талабаларда шахсий қизиқишни кучайтириш ва ҳиссий-эмоционал фаолиятини ташкил этишга оид таклифлари 5111400-хорижий тил ва адабиёти йўналиши (немис тили)ўқув дастури мазмунига синдирилган (2020-2021й); (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил №89-03-482-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак хорижий тил мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини ижтимоий буюртма талаблари асосида ташкил этиш ва нутқий мулоқот малакаларининг ривожланганлик даражаларини объектив баҳолаш имконияти яратилган;

тил ўрганиш жараёнида диалогик, монологик нутқий муҳитни мнемоник база асосида яратишга оид методик тавсияларидан И-2016-4-15 рақамли “Кутубхона ресурсларидан мобиль алоқа асосида тармоқдан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва татбиқ этиш” (олий

таълим муассасалари мисолида) номли амалий лойиҳасида нутқни, ижодий фикрлаш, тил ўрганиш қобилиятларини интенсив ривожлантиришга оид матнларни яратишда фойдаланилган (2020 йил 89-03-482-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ахборот билан самарали ишлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари кенгайтирилган;

талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришга, хотира коэффицентини кенгайтиришга йўналтирилган ўқув топшириқларидан дарсда ва дарсдан кейинги мустақил фаолиятда фойдаланиш бўйича ўқув муҳитини яратишга оид тавсиялари асосида “Чет тилини ўқитишни мнемотехнология ёрдамида такомиллаштириш” номли компьютер дастури ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 29 январь, № DGU 07626-гувоҳномаси). Натижада талабалар учун тил ўрганиш ва ўргатишга оид касбий компетенцияларни мустақил эгаллашга мўлжалланган дидактик таъминот яратилган;

педагогик вазиятларни нутқий муҳитга мақбул равишда илмий, услубий ва амалий мослаштириш, нутқий муҳит жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг миллий мафкурага садоқатини мустаҳкамлаш, халқаро маданиятни ўрганиш ва ўргатишга самарали тайёрлашнинг методик иш тизими ҳамда тавсиялари олий таълим муассасалари талабалари учун яратилган “Маданиятлараро мулоқот” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи). Натижада талабаларнинг халқаро мулоқот, толерантлик кўникма ва малакаларини мақсадли ривожлантиришнинг методик имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий журналларда, 14 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 1 таси хорижий илмий журналда, 5 таси илмий мақолалар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, 8 та параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар

рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг биринчи боби **“Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш бўйича хориж тажрибаларининг назарий таҳлили амалга оширилиб, талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришнинг амалиётдаги мавжуд ҳолати ва тадқиқотнинг ижтимоий-педагогик асослари ёритилган.

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки (oral speech) ва ёзма (writing) нутқни шакллантиришда мантиқий сўзлар бутун бир гапдан чиқадиган тушунчаларни белгилайди. Мантиқли сўзлар, бирикмалар ва гаплар орасидаги маъно алоқаларини ифодалайди. Уларни тушуниш учун талабалар синтактик тузилмалар орасида мазмуний алоқаларни, асосий тушунчаларни, мантиқий категорияларни, унинг силлогизмини (икки хил фикрни таққослашни) билишлари талаб этилади. Бу инглиз тилида гапни тавсифлаш, унинг ҳиссий-образли бўлишини белгилаш пайтида зарур бўлади.

Талабаларда ҳиссий-экспрессив оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришда бадий методдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳ.Ў. Юсупованинг⁵ фикрича, бадий услуб нутқнинг бошқа методларидан ўзининг образлилиги ва эстетик таъсир этиши билан ажралиб туради. Бу методда тил воситалари образлар ва манзаралар яратади, талабаларга эстетик озиқ бериш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўқув материаллари турлари талабаларнинг инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқини мнемоник база асосида ўстиришга кўмак беради.

⁵ Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т.: 2011. – 26 б.

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш учун уларга тадқиқот доирасида тинглаб тушуниш стратегиялари қўлланилди.



1-расм. Инглиз тили машғулотларида ўқув материаллари воситасида талабаларда ҳиссий-экспрессив нутқни ўстириш

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки (oral speech) ва ёзма (writing) нутқни ривожлантириш самарадорлигига эришишда: ўқув материали + педагогик маҳорат + таълим методлари + талабанинг хотирлаш коэффициентлари билан боғлиқ психологик хусусиятлар + мустақил ва ижодий ишлаш қобилияти + таълим муҳити + вақт чегараси яхлит бир бутунликда муҳим аҳамият касб этади. Бу талабларнинг баъзилари тил ўрганишда етакчи омил саналиб, улар орқали машғулот жараёнида маълум натижаларга эришиш кафолатланса, айримлари шу натижаларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳиссий-экспрессив нутқнинг тузилиши, хусусияти, фазилати, хоссалари фикр ва туйғуларни, диққатни ёрқинлаштирадиган, айтилганларга қизиқиш уйғотадиган ифодали шакли ҳисобланади. Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни суггестопедия методи орқали ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, инглиз тилини ўрганувчи талаба янги сўзларни ёдлашга кўп вақт сарфлайди. Инсон хотирасини ривожлантириш орқали инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш имконияти мавжуд. Бунда миянинг чап ва ўнг қисмлари муайян функцияни бажаради. Бундай имкониятлар мнемотехника машқларида мужассамлашган. Мнемоника – (юнон тилида: mnemonika – “хотирада сақлаш санъати”) – сунъий ассоциацияларни шакллантириш орқали хотирани ёдлашга ва хотира коэффициентини кенгайтиришга ёрдам берадиган методлар ва усуллар

мажмуи. Кўпгина талабаларнинг хотираси хорижий сўзларнинг “оддий эсдалик”га ёки у учун ҳеч қандай маънони англамаган кўп тартибли қоидага мослаштирилмаган.

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни ривожлантиришда сўзлараро маъновий муносабатлар, тил тизимидаги семантик ва тузилиш хусусиятларини очиб бериш, семантик категорияларнинг бир-бирига бўлган муносабатини аниқлаш ҳамда уларнинг фонологик, лексик, морфологик, синтактик ва стилистик сатҳларда намоён бўлишини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади. Семантик категория ва ҳодисаларни қардош бўлмаган тиллар билан қиёслаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини очиб бериш орқали тилларни тезкор ўрганишни такомиллаштиришга замин ҳозирлайди.

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш учун инглиз тилини ўқитиш жараёнида идиомалар, яъни турғун фразеологик бирикмалар мазмуни, уларнинг моҳияти, этимологияси ва таржималари тўғрисида кенг ва мақсадли танланган билимларни шакллантириш орқали уларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллашувига асос солинган бўлади. Бундан ташқари бўлажак мутахассисларда касбий компетенцияни ривожлантириш масалаларининг олий таълим тизимида самарали ҳал этилиши таъминланади. Шу боис мамлакатимизда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий фаолиятга самарали тайёрлашга оид қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, К.Рискулованинг⁷ илмий изланишида талабаларда социолингвистик компетенцияни шакллантиришнинг методик тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот доирасида талабаларда мнемоник база асосида тил дефиницияларини ўзлаштириш механизми ўрганилганда усуллар, воситалар ва психологик ҳолатларнинг оптималлашуви юзага келиши аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг методик тизими”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг методик хусусиятлари, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида мнемоник база асосида нутқ ифодалилиги (экспрессия)ни ривожлантириш масалалари, инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни ривожлантиришда машқлар тизими ва уни қўллашнинг амалий-методик босқичлари ёритилган.

⁶ Юсупова Х.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т.: 2011. – 26 б.


⁷ Рискулова К.Д. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Пед. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 44 б.

Инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришнинг ўзига хос педагогик хусусиятлари сўзлараро маъновий муносабатларнинг тузилиш ва функционал хусусиятлари билан ҳамоҳанг. Бунда турли тизимли тилларда лингвистик ҳодисаларни ўрганиш, инглиз тилидаги от, сифат, феъл ва равиш каби сўз туркумларига оид муайян лексемаларда семантик муносабатларни аниқлаш ва уларни ўзбек тилидаги тил ҳодисалари билан қиёслаш асосида психологик ва педагогик ўзига хосликларни топиш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни ўстириш жараёнида мнемоник ёндашувлар (белгилар, расмлар, схемалар)дан фойдаланишнинг *коммуникатив* (ахборот узатиш), *интерфаол* (ҳамкорликдаги ҳаракат) ва *перцептив* (ҳамкорликда идрок этиш) жиҳатларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Қуйида мнемоник базанинг тил ўргатиш ва ўрганиш жараёнида оптималлашувнинг психологик-педагогик хусусиятлари схема шаклида тақдим этилди.

Инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстиришда тил қатламларидаги вазифадошлик, контекстуал маънодошлик каби семантик-тузилиш хусусиятларни аниқлаш, қиёсланаётган тилларда уникал семантик қаторларнинг шакл ва ясаиш хусусиятларини ёритиб бериш зарур бўлади. Сўзлараро маъновий муносабатлар аффиксация, ёрдамчи сўзлар орқали ясаиши ва интенсификаторлар қўшилиши каби тузилиш ҳамда луғавий ва контекстуал каби семантик хусусиятлари билан фарқланишини англаш бўлажак инглиз тили ўқитувчисини инглиз ва ўзбек тилларидаги стилистик даражаланишнинг гапдаги ўрни ва бошқа сўзлар билан боғланиши каби синтактик хусусиятларни аниқлашга ундайди.

Ҳиссий-экспрессив нутқ тилнинг ҳар хил сатҳларини қамрайди ҳамда сўзлар, сўз бирикмалари, грамматик категориялар ва шакллар, синтактик қурилмаларнинг бутун бир тизимини қўллаш орқали шаклланади. Талабаларнинг мнемоник база асосида ҳиссий-экспрессив нутқини ўстириш учун бадиий, ижтимоий-сиёсий, публицистик жанрлар ҳамда педагогика соҳаси бўйича махсус лексикасидан фойдаланилган матнлар муҳим аҳамият касб этади.



2-расм. Мнемоник база асосида тил дефиницияларини ўзлаштириш механизми

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш хусусиятларини биз тадқиқотимизда қуйидагича туркумладик:

1. Луғат бойлигини ошириш. Филологик хусусиятлари нуқтаи назаридан, инглиз тилидаги от, сифат, олмош, равиш, феъл сўз туркумларида семантик муносабатлар қаторларини ҳосил қилувчи лексемалар аниқланиши ва улар асосида талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни ривожлантириш хусусиятини ўрганиш.

2. Касбий мотивацияни ошириш. Умумпедагогик хусусиятлар нуқтаи назардан, инглиз тилидаги сўзлараро маъновий муносабатлар қаторларини тузиш йўллари ишлаб чиқиш, тил корпусларига сўзлараро маъновий муносабатларга тааллуқли категорияларни киритиш ва улар луғатини яратиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, интерфаол методлар асосида талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни ривожлантириш.

3. Нутқий муҳитга тайёрлаш. Компаратив педагогика хусусиятлари нуқтаи назаридан, ўзбек ва инглиз тилларидаги сўзлараро маъновий муносабатларнинг синонимия, антонимия, омонимия, гипонимия, меронимия, партонимия (холонимия), плесионимия кабилар билан муносабатини ёритиш орқали сўзлараро маъновий муносабатлар ҳодисасини қиёсий таҳлил қилиш, бир неча тилларга ҳос эканлигини аниқлаш ва шу асосда талабаларда инглиз тилида гапириш кўникмаларини ривожлантириш;

4. Психологик жараёнларнинг комплекс мобилизацияси. Психололингвистик хусусиятлар нуқтаи назаридан, эшитилиши ва талаффузи бир хил ёки ўхшаш бўлган лексема ва концептлар инсон хотирасида тез сақланиб қолиниши, ассоциатив ва суггопедик хусусиятлари асосида идрок қилиниши осон кечиши замирида мнемоник базанинг ҳосил бўлиши;

5. Стилистика хусусиятлари нуқтаи назаридан, ўзбек ва инглиз тилларидаги сўзлараро маъновий муносабатларнинг семантик, тузилиш, функционал хусусиятларига тегишли тил қатламларини ўрганиш асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги луғатларни тузиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш; илмий муомалага уникал сўзлараро маъновий муносабатлар қатори терминларини киритиш, сўзлараро маъновий муносабатлар қаторини тил корпуслари таркибига киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқа хусусиятларини ўрганиш.

Мазкур бобда талабалар нутқини мнемоник база асосида ўстириш машғулотининг технологик харитаси модели ва унинг имкониятлари ёритиб берилди.

Инглиз тили машғулотининг технологик харитаси модели

Босқич	Давлат таълим стандарти талаблари асосида инглиз тили бўйича коммуникатив компетенцияларнинг шаклланганлиги (B ₂ даража)			
Назарий босқич	Мақсад: талабаларнинг ҳиссий-экспрессив нутқини мнемоник база асосида ривожлантириш.			
	Ёндашувлар: компетент, шахсга йўналтирилган, коммуникатив-когнитив, тизимли. Умумдидактик тамойиллар: онглилик, фаоллик, автономлик, равшанлик, ҳаммабоплик. Методик тамойиллар: коммуникатив йўналганлик, касбий йўналганлик, тиллар ва маданиятларни бирга ўрганиш; хорижий тилларни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитиш: интерфаоллик, таълимни ахборотлаштириш.			
	Методик шартлар: талабаларнинг билиш фаолияти мотивациясини ошириш; фикрлаш ва вазиятни тахмин қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш; аутентик материалдан фойдаланиш; вазифанинг муаммоли эканига таяниш; талабаларнинг мустақил фаолиятига урғу бериш; ҳамкорлик муҳитини яратиш; машғулотларда бевосита ва билвосита фаоллигини яратиш.			
	Методлар: интерфаол, муаммоли, эвристик, коммуникатив.			
	Ўқитиш воситалари: мультимедиали тасвирлар, Интернет ресурслари.			
	Ташкилий шакллар: мустақил, индивидуал, жуфтлик ва гуруҳда ишлаш.			
Технологик босқич	Ўқув мазмуни	Ўқув алгоритми		
	Баҳолаш мезонлари			
	Тил кўникмалари	Нутқий маҳорат	Билим	
	Метакогнитив тажриба			
	тилга оид компетенция	нутқий компетенция	ижтимоий-маданий компетенция	
	Натижа – талабаларнинг ҳиссий-экспрессив нутқини мнемоник база асосида ривожлантириш асосида педагогик нутқ техникаси (ифодалилик, жозибадорлик, ширадорлик)га эришиш			

Таҳлилий изланишларнинг натижасида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш хусусиятларига хизмат қилувчи омиллар аниқланди.

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки (oral speech) ва ёзма (writing) нутқни ривожлантириш учун ўқув материалида мнемоник база асосида хотирада ёрқин таассуротларни келтириб чиқарувчи тасвирий сўз воситалари, мнемоник базага тааллуқли иборалардан иборат матнларнинг ўзига хосликларини инобатга олиш кераклиги 2-жадвалда ўз аксини топган. Бунда талабаларни инглиз тилидаги бадий сўз қудратини кўрсатадиган ўринларга улар диққатини

тортадиган дидактик воситалардан фойдаланиш нутқ захирасининг бойишига олиб келади.

2-жадвал

Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки (oral speech) ва ёзма (writing) нутқни ривожлантиришнинг таҳлилий кўриниши

Саволлар	Жавобларнинг умумий кўриниши		
1. Талабаларнинг инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш учун мнемоник базага асосланган сўз ва иборалардан фойдаланасизми?	Ҳа (умумий жавоб) 21%	Қизиқишларига қараб 60%	Қабул қилиш даражасига қараб 39%
2. Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш учун ўқув материалнинг қайси жиҳатларига эътибор қаратилиши лозим?	Тушунарли, содда, ихчамлилигига 30%	Дидактик тамойилларга асосланган бўлишига 34%	ДТС ва ўқув режа талабларига мослиги бўйича 36%
3. Талабани қизиқтириш учун айнан қандай психологик хусусиятларга эътибор бериш керак?	Қизиқарли савол ватопшириқлар га 21%	Мустақил фикрлаш ва муаммоли вазият яра-тишга 60%	Тасвирий сўз воситала- рига 19%
4. Талабалар нутқини ўстиришда ўзбек ва инглиз тилларидаги ўхшаш тасвирий сўз воситаларини топиш ва улар асосида кичик матнларни тузишга эътибор қаратасизми?	Ҳа 30%	Йўқ 20%	Унчалик эмас 50%
5. Инглиз тилидаги матндан мнемоник база ҳосил қилишни ўйлаб кўрганмисиз?	Ҳа 10%	Талаба ёшига мослаб 40%	Қизиқарли 50%
6. Талабаларда инглиз тилидаги нутқни тезкор ўстириш учун қандай дидактик воситалардан фойдаланасиз?	Талабаларнинг таълим йўналишига мослаб 16%	Интерфаол 46%	Мульти- медиа 48%

Диссертациянинг “Мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш методикаси самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш методикасини ривожлантириш

тамоийллари, машқлар тизими, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ёритилган.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичдан: аниқловчи (2016-2017й.й.), таъкидловчи (2017-2018й.й.), шакллантирувчи (2018-2019й.й.), якунловчи босқич тажриба-синов (2019-2020й.й.) ишларидан иборат бўлиб, ОТМларини қамраб олган ҳолда ўтказилди. Тажриба-синов майдони сифатида Чирчиқ давлат педагогика институти, Навойи давлат педагогика институти ва Тошкент давлат педагогика университети белгиланди. Тадқиқотнинг тажриба-синов ишида экспериментал танланма миқдори 58 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 717 нафар бакалавриат таълим йўналиши талабалар иштирокида ташкил этилди. Тажриба-синов ишлари ташхис ва башорат қилиш (прогностик), ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичлардан иборат бўлди.

3-жадвал

Талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқнинг тезкор ўсганлиги кўрсаткичи

Мезонлар	Тажриба-тадқиқот боши						Тажриба-тадқиқот охири					
	Тажриба гуруҳи n = 387			Назорат гуруҳи m = 388			Тажриба гуруҳи n = 387			Назорат гуруҳи m = 388		
	ю/д	ў/д	п/д									
Тасвирий сўз воситалари, бадиий матн, улардаги қахрамонлар хатти-ҳаракатига ижодий ёндашиш, таҳлил жараёнида мустақил изланиш, фикрларнинг оригиналлиги	32,2	34,7	33,1	32,6	34,5	32,9	50,6	37	12,4	32,4	37,3	30,3
Матнни шарҳлашда ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид маълумотлардан фойдалана билиш	33,8	35,8	30,4	33,5	33,7	32,8	53,5	38,8	7,7	31,8	38,2	30
Оғзаки ва ёзма нутқда адабиёт назариясига оид маълумотларни қўллай билиш.	31,5	37,2	31,3	32	35	33	52,7	36,4	10,9	35,7	33,6	30,7
Ўрганилаётган ўқув материалига асосланган ҳолда савол ва топшириқларга жавоб беришдаги нутқий кўникма ва малакалари,	33,7	35,9	30,4	34,3	34	31,7	54	39	7	35,3	31,3	33,4

бадий матн билан ишлаш даражаси: ўқув материалли синчковлик билан ўрганганлиги, шахсий муносабат билдира олиши.												
Ж а м и:	131,2	143,6	125,2	132,4	137,2	130,4	210,8	151,2	38	135,2	140,4	124,4
Ў р т а ч а с и:	32,8	35,9	31,3	33,1	34,3	32,6	52,7	37,8	9,5	33,8	35,1	31,1


Жадвалдан кўриниб турибдики, талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстиришга йўналтирилган «Инглиз тилини тезкор ўрганамиз» методикасини жорий қилишда бўлажак мутахассислардан: педагогик воқеликни изчил идрок этиш; фан соҳасига йўналганлик; педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш; шахслараро мулоқотни ташкил эта олиш; ўз фани, фаолият соҳаси бўйича ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ундан фойдалана олиш; ўқув ахборотларини бошқаларга етказа билиш; муайян даражада шаклланган дунёқараш талаб этилди.

4 -жадвал

Талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ўзлаштириш натижалари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	358	128	139	127
Назорат гуруҳи	359	127	133	121

Эришилган натижалар математик-статистик таҳлил этилганда тажриба гуруҳларида юқори даражадаги ўзлаштириш 14% га, ўртача ўзлаштириш 4 %га ошганлиги, шунингдек, паст даража тажрибадан олдингига қараганда 20 %га камайгани аниқланди. Инглиз тилини мнемоник база асосида тезкор ўрганишга оид методик иш тизимини амалиётга жорий этиш натижасида назорат гуруҳи талабалари ва тажриба гуруҳи талабаларининг тажриба машғулотларидаги кўрсаткичлари таққосланганда, талабаларда тасаввур, ижодий фикрлаш ва мустақил ишлашнинг баланд даражаси 14% га ошган бўлса, ўрта даража 4% га ўсган, паст кўрсаткичли талабалар миқдори эса деярли 20% га камайганини кўрсатди. Кузатувлар давридаги барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш динамикасининг назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги таснифи қуйидаги кўринишга эга бўлди.



3-расм. Назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичи

5-жадвал

«Инглиз тилини тезкор ўрганамиз» методикаси асосида талабаларда нутқий компетенцияларнинг ўсиши натижалари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	358	190	136	32
Назорат гуруҳи	359	122	126	111

Барча кўрсаткич бўйича талабаларнинг мотивацияси ҳамда дарслар самарадорлигининг ўсиш динамикаси назорат гуруҳларига нисбатан тажриба-синов гуруҳларида 14 % га кўпроқ самарани намойиш этди.

Натижалар математик-статистик таҳлил қилиниб, тажрибадан олдинги ва кейинги ҳолат учун эришилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,41 - 0,17}{2,06 + 0,19} = \frac{2,26}{2,25} = 1,004 > 1;$$

$$K_{dob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,41 - 0,17) - (2,06 - 0,19) = 2,26 - 1,87 = 0,39 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги маълум бўлди.

Демак, тавсия этилаётган методика юзасидан олиб борилган педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлиллар асосида ўз исботини топди.

ХУЛОСА

Талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларини натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Мамлакатимизда юксак малакали, ижодкор ва ташаббускор, касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мослашадиган, лаёқатли кадрларнинг хорижий тилда мулоқот қилиш ва ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда ҳиссий-экспрессив нутқини тезкор ўстириш технологияларидан фойдаланишнинг имкониятлари хорижий тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Шу боис миллий методик амалиётда мнемоник базадан фойдаланиш орқали бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш долзарб методик муаммо ҳисобланади.

2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг ҳиссий-экспрессив нутқини мнемоник база асосида ривожлантиришда интерфаол ўқув муҳитининг таъсири катта бўлиб, бунда ўқитувчининг касбий компетенцияси билан бир қаторда шахсий сифатлари ҳам муҳим омил саналади. Чунки ўқитувчининг асар (матн) мазмунида етакчи бўлган ғояни англаши ҳамда уни ассоциатив тарзда бирор нарсага ўхшатган ҳолда мнемоник воситалар орқали талабаларга тақдим этишида ижодкорлик ҳамда инсонпарварлик сифатлари талаб этилади. Натижада ўқитувчи талабаларда асарни ўрганиш ва сўзларни эслаб қолишга мотивация уйғотади.

3. Мнемоник база орқали талабаларнинг инглиз тилидаги матнларни тезкор ўрганиш, сўз ва тушунчалардан турли контекстларда самарали фойдаланиш, тўғри талаффуз қилиш ва ўқиш, ёзиш кўникмалари тез фурсатда шакллантирилди. Натижада талабаларнинг касбий фаолиятни самарали ташкил этиш учун зарур бўлган нутқий заҳиранинг бойитилишига эришиш зарур.

4. Тажриба-синов ишлари мақсади, вазифалари, даврийлиги, метод ва воситаларининг тўғри қўйилганлиги, зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги, тизимли равишда педагогик диагностикани ташкил этилганлиги шакллантирувчи тажриба-синовнинг самарадорлигини таъминлади ҳамда яқунловчи босқич апробация натижаларини муваффақиятли бўлишини ва самарадорлигини кафолатлади.

5. “Инглиз тилини тезкор ўрганамиз” методикаси асосида талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш натижаларининг ишончлилиги, тўғрилигини текшириш мақсадида Стьюдент-Фишер мезони асосида математик-статистик таҳлил ўтказилди. Тажриба гуруҳларида талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқ динамикаси назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди. Таҳлил

натижаларига кўра, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидан юқори эканлиги, яъни 12% га ошганлиги аниқланди.

6. “Инглиз тилини тезкор ўрганамиз” методикасини жорий этиш асосида ўтказилган машғулотлар давомида талабалар янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлашларига имкон яратилди.

7. Талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш технологияси тизимлилик, узвийлик, даврийлик ва репрезентативлик тамойилларига амал қилган ҳолда ўқитувчи ва талабалар фаолиятини, ютуқларини баҳолаш ҳамда мониторингини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги тажриба-синов ишлари жараёнида ўз исботини топди ва такомиллаштирилган механизмларни оммалаштириш мумкинлигига асос бўлади.

ТАВСИЯЛАР

1. Талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш технологиясидан фойдаланиш учун қўшимча йўлдош машғулотларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай йўлдош машғулотлар орқали таълимнинг самарадорлигини ошириш мумкин.

2. Талабаларда мнемоник база асосида инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни тезкор ўстириш учун мультимедиали иловаларни ўқув машғулотлари мавзуларига мослаб ишлаб чиқиш зарур. Ўқув материални талаба яхши ўзлаштириши учун иллюстрацияларни кўпайтириш, ижодкорларнинг уй-музейлари ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиш, улар ҳақидаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар каталогини тузиш ҳамда тақдим этиш талабаларда мустақил изланиш мотивациясини оширади.

3. Талабалар ўртасида мнемоник ресурслар, луғатлар, тарқатмали ўқув материаллари тузиш бўйича танловлар, кўргазмалар ташкил этишни йўлга қўйиш.

4. Олий таълимда хорижий тилни ўрганиш бўйича дарс ва машғулотлар жараёнида мнемоник машқларга асосланган мияга қувват берувчи дақиқалардан фойдаланиш тартибини йўлга қўйиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019. Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
НА ОСНОВЕ РАЗОВОГО СОВЕТА**
**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

ХОШИМОВА ДИЛНОЗА РИХСИБОЕВНА

**МЕТОДИКА БЫСТРОГО РОСТА ЭМОЦИОНАЛЬНО-
ЭКСПРЕССИВНОЙ РЕЧИ У СТУДЕНТОВ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ НА
ОСНОВЕ МНЕМОНИЧЕСКОЙ БАЗЫ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания
(Английский язык)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.1.PhD/Ped 812.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте www.cspi.uz и по адресу www.ziyonet.uz Информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Джумабаева Жамила Шариповна**
доктор филологических наук, доцент.

Абдуганиева Жамила Рустамовна
доктор философии педагогических наук, (PhD)

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.28.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за № ____). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.

(протокол реестра под номером ____ от « ____ » _____ 2021 года).

Ш.К.Мардонов

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, д.п.н., профессор

Д.М.Махмудова

Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, доктор философии по матем. наукам (PhD)

Р.А.Эшчанов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Инновационные подходы к практике изучения иностранных языков, особенно английского, который является ведущим инструментом в международном общении, были применены к развивающим, ориентированным на человека технологиям обучения, которые отвечают потребностям изучающих язык. Совершенствование методов и способов быстрого развития эмоционально-выразительной речи при изучении английского языка на основе мнемоники является одним из основных факторов подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с международными стандартами. Поэтому важно совершенствовать методику быстрого развития эмоционально-выразительной речи на английском языке на основе мнемоники.

В мировой практике проводится ряд исследований по инновационным методам преподавания курсов английского языка, интерактивному программному обеспечению, моделям упрощения, методам использования рефлексивных технологий и их эффективности. В число основных задач данного исследования входит повышение качества подготовки студентов к профессиональной деятельности за счет улучшения быстрого роста речи на основе мнемоники, изучение педагогических подходов к развитию научного мировоззрения и совершенствование этой методологии. В связи с этим сегодня приоритетом является совершенствование и внедрение метода быстрого развития эмоционально-выразительной речи на английском языке на основе мнемоники и, на этой основе, дидактической поддержки.

В нашей стране также особое внимание уделяется вопросу углубленного преподавания английского и других иностранных языков. В частности, были определены такие приоритеты, как «подготовка современных кадров в нашей стране, знание нескольких иностранных языков, проведение исследований по иностранным языкам, совершенствование методологии преподавания языка», в этом аспекте разработка форм и инструментов на сегодняшний день важна при обучении английскому языку на основе мнемонической базы эмоционально-экспрессивной речи.

Исследование данной диссертации в определенной степени послужит для осуществления задач, установленных в Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»⁴, ПФ-5847 от 8 октября 2019 года «Об

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

утверждении Концепции развития высшего образования в Республике Узбекистан до 2030 года», УП-1875 от 10 декабря 2012 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков», УП-2909 от 20 апреля 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП-3775 от 5 июня 2018 г., «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №610 от 11 августа 2017 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых комплексных реформах в стране» и другие нормативные правовые акты, связанные с этой деятельностью.

